**САҲИФАДА:**

СЪЕЗДОЛДИ ҲУЖЖАТЛАРИ ЎРГАНИЛМОҚДА

●

МЕҲНАТ ҒОЛИБЛАРИ

●

ЖАНГОВАР ФАРЗАНДЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

●

ОДАМЛАР ХИЗМАТИДА

●

ҲАҚЛИ ЭЪТИРОЗЛАР

## ЧОРВАДОРЛАР ҒАЛАБАСИ

КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига фидокорона меҳнат қилаётган Ғаллаорол райони чорводорлари катта меҳнат ғалабасини қўлга киритдилар. Давлатга 1175 тонна гўшт топширилиб, биринчи квартал плани ошириб бажарилди. Эришилган ютуқда «Музбулоқ», «Коммунизм», «Гулистон», «Ғаллаорол», Ленин номли, «Соҳибкор» ва Карл Маркс номли совхозларнинг бўрдоқибоқарлари ҳиссаси катта бўлди.

**А. ЭРГАШЕВ.**

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАРБДОРЛАРИ

# МУСОБАҚАДОШЛАР

Бойсун атласи эндиликда Сурхон воҳасидагина эмас, республикамизнинг бошқа жойларида ҳам ҳавас билан харид қилиняпти. Бу ерда дастлабки ҳунармандчилик артели — «Қизил доска» ташкил топган 1927 йиллардаёқ момошойи, беқасам, норпўсти, жанда, алиф, бўз каби ҳар хил матолар ишлаб чиқарилган.

1972 йилда Бойсунда экспериментал шойи тўқиш фабрикаси ташкил топди. Корхонанинг моддий-техника базаси, инженер-техник ходимлари ва малакали ишчилар состави беқиёс ўсди. Ҳозир фабрика йилига 4-4,5 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадиган йирик корхонага айланди. 115 та тўқув, 80 та тикув дастгоҳи, ғишт заводи ишлаб турибди. Атлас, шойи, беқасам, жун рўмол, жемпер, пайпоқ, жанда матоси, кийим-кечак, бадиий каштачилик буюмлари, пишиқ ғишт, оҳак сингари йигирма беш турдан ортиқ саноат маҳсулотлари республика корхоналари ва савдо базаларига етказиб берилмоқда.

Учта тўқимачилик цехи фабриканинг асосий ишлаб чиқариш участкаси ҳисобланади. Кекса авлод меҳнат анъаналарини давом эттириб, «Бир беш йилликда—икки беш йиллик план» деган ватанпарварлик ташаббуси асосида ишлаётган ёш тикувчилардан ўн уч нафари ўн биринчи беш йиллик топширигини 3,5—4 йилдаёқ бажариб, ҳозир 1987 йил ҳисобига ишлаётганлиги қувончлидир.

Масалан, Пардахол Мирбекова коллективда обрў-эътибор топди. Меҳнатсеварлиги туфайли илғорлар сафидан ўрин эгаллади. Коммунистик партия сафига қабул қилинди. Ватанпарварлик ташаббуслари билан чиқди. Область ва райондаги бир группа ишлаб чиқариш илғорларининг «Бир беш йилликда икки беш йиллик план» ватанпарварлик ташаббусини бошлаб берганлардан бири ҳам ана шу Пардахол эди. Ҳамиша илғорликка, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга интилади, тажрибаларини ёш ишчиларга ўргатади. Пардахолнинг тўқиган атласи доим биринчи сортга қабул қилинади. Бундан уч йил илгари у корхонада икки станокчилик ҳаракатини бошлаб берганди. Унинг шогирди Чиннихол Ғаффорова ҳам тўқувчилик касбини эъзозлаб келаётир.

— Юксак меҳнат кўрсаткичига эришаётганимнинг боиси шундаки, — дейди П. Мирбекова, — икки станокда ишлаб, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишга ҳаракат қиляпман. Корхона машъалларидан бири Санобар Иброҳимова билан доимо мусобақалашиб ишлаётганим ҳам мени ортда қолмасликка даъват этяпти.

Самарали меҳнат ва жамоатчилик фаолияти Пардахолга шон-шараф келтиряпти. У ВЦСПСнинг XVI съездида делегат бўлиб қатнашди.

Пардахолнинг мусобақадоши Санобар Иброҳимованинг фабрикага ишга келганига ўн йил бўлди. Санобар «Бир беш йилликда —икки беш йиллик план»ни бажариш, икки станокда ишлаш ташаббуси билан чиққан эди. У юксак аҳдига вафо қилди. Ўн биринчи беш йиллик план-топшириғини тўрт йилда — 150 процент бажарди. Социалистик мусобақада биринчи ўринни эгаллади.

С. Иброҳимова «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ташаббусига қўшилиб, шу йилнинг тўртинчи квартали ҳисобига меҳнат қилаётир.

Санобарни жамоатчи дедик. Ҳа, уни ишдан бўш пайтларида райком аъзоси, корхона комсомол комитети ва халқ контроли группасининг аъзоси сифатида партия, комсомол топшириқларини бажараётган кезларда кўп учратамиз.

Партиямиз анжумани шарафига корхонанинг барча цех ва участкаларида мусобақа илғорлари сафи тобора кенгайиб бораётир. Икки станокчилар сони эса олтмиш кишидан ошди.

**О. ПАРДАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.**

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» МАТЕРИАЛЛАРИ ИЗИДАН

## «ҲАММАСИ ЎЛДА-ЖЎЛДА»

**Газетанинг 1985 йил 8 сентябрь сонида юқоридаги сарлавҳа остида танқидий мақола эълон қилинган эди. Ушбу мақола юзасидан қуйидаги жавоблар олинди:**

**ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЖИЗЗАХ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:**

— Мақолада келтирилган фактлар ҳақиқатда ҳам бўлган. Фучик номли совхоз ЖКОси бошлиғи Н. Носиров ўз вазифасига беларволарча муносабатда бўлганлиги учун мансабидан бўшатилди. Арнасой район архитектори О. Боянасовга ва район уй-жой коммунал хўжалик бўлимининг бошлиғи В. Пакка қаттиқ ҳайфсан эълон қилинди.

Камчиликларни бартараф этиш учун ҳозиргача 12 квартирали уй-жой биноси фойдаланишга топширилди. 15 квартирали уй-жой биноси 1986 йил биринчи кварталида қуриб битказилади. 2,5 километр узунликдаги иссиқлик трассаси ремонт қилинди. Иссиқлик шохобчалари ремонтдан чиқарилиб, уй-жойларга, «Ғунча» болалар боғчасига, меҳмонхонага ва бошқа маъмурий биноларга иссиқлик берилди.

1986 йилда район марказини ободонлаштиришнинг лойиҳа-смета ҳужжатлари тайёрланади. Қурилиш ишлари сифатини яхшилаш ва объектларни ўз вақтида ишга туширишни таъминлаш мақсадида Арнасой районида Ўзбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлигининг 27-қурилиш трестига қарашли механизациялашган кўчма колоннаси ташкил қилинади.

**АРНАСОЙ РАЙОН СОВЕТИ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ:**

— Мақолада кўрсатилган камчиликларга эътиборсизлик қилганликлари учун район Советн ижроия комитети раисининг ўринбосари Р. Иброҳимов огоҳлантирилди. Кооператив қурилишдаги нуқсонларни бартараф этиш учун чора-тадбирлар кўрилмоқда. Ҳозир «Арнасой тонги» район газетаси ҳамда маҳаллий радиоэшиттириш комитети орқали коммунал уйлардан фойдаланиш ва уй-жойларга қандай муносабатда бўлиш ҳақида мунтазам равишда материаллар бериб борилмоқда.

КПСС XXVII СЪЕЗДИГА— 27 ЗАРБДОР ЎН КУНЛИК

## ОИЛА ТАШАББУСИ

**Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинатида Ҳасановлар оиласи тўғрисида ҳамма фахрланиб гапиради. КПСС аъзоси Шавкат Ҳасанов олтмиш олтинчи йилдан бери электр асбобларини созлаш ва ускуналарни ремонт қилиш бўйича катта мастер бўлиб ишлайди. Унинг укалари Шуҳрат, Аваз, Ўткир, Тоҳир, синглиси Зоҳида ва келини Гулнорахонлар ҳам шу корхонанинг илғор ишчилари ҳисобланади.**

**Мамлакатимизда умумхалқ мусобақаси тусини олган «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» ҳаракати бошланиши биланоқ Ҳасановлар партиямизнинг ана шу улкан анжумани шарафига шахсий меҳнат совғаларини тайёрлаш иштиёқи билан ишга киришдилар. Ташаббусни биринчи бўлиб Шуҳрат бошлади. У то КПСС XXVII съезди очиладиган кунгача ҳар ўн кунликда илгаригидай 6—7 тадан эмас, балки ўнтадан электр билан ишловчи дастгоҳларни сифатли ремонтдан чиқариш, айни вақтда бошқа дастгоҳларнинг нормал ишлашини таъминлашга астойдил киришди.**

**Шуҳрат Ҳасанов комбинатда 1975 йилдан бери ишлайди. У юк ташувчи транспортларни сифатли ремонтдан чиқаради. Шуҳрат бу вазифани виждонан адо этмоқда.**

**Оиланинг кейинги аъзоси Аваз Ҳасанов укаси Тоҳир, синглиси Зоҳидалар билан бирга корхонада анчадан бери самарали меҳнат қилишмоқда. Улар ҳар ўн кунликда ишлаб чиқариш планларини икки ва икки ярим процентга ошириб адо этишмоқда. Шуҳратнинг турмуш ўртоғи Гулнорахон билан укаси Ўткир эса полимер қувурлар ишлаб чиқариш цехида ишлашади. Ўткир съезд очилиш кунигача қувур ишлаб чиқариш бўйича ярим йиллик топшириққа тенг келадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни ният қилган.**

**Ўткирнинг дастгоҳидан шу йилнинг февраль ойи учун мўлжалланган полимер қувурлар чиқа бошлади. Худди шу сингари ютуқларни Гулнора ва Зоҳидахон Ҳасановаларнинг ишларида ҳам кўриш мумкин. Улар ишлаб чиқараётган полиэтилен муқовалар, трубопровод ускуналар ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради.**

**—Съезд шарафига шахсий совға тайёрлаш орзуси қачон туғилганди! — сўраймиз Шуҳратдан. У кулиб эслайди.**

**—Буни биринчи бўлиб синглимиз Зоҳидахон кўтарди. Дам олиш кунларидан бирида дастурхон атрофида ҳаммамиз чой ичиб ўтирганимизда радиодан қайсидир областдаги бир ишчи оиласининг КПСС XXVII съездига шахсий меҳнат совғаси тайёрлаш тўғрисидаги хабарни эшитиб қолиб, бизнинг ҳам бу ҳаракатга қўшилишимиз тўғрисида таклиф қилди. Биз ўзаро маслаҳатлашиб бир қарорга келдик. Фикримизни корхона маъмурияти маъқуллади.**

**Бугунги кунда комбинатда Ҳасановлар ташаббуси тобора кенг қулоч ёзмоқда.**

**М. ҚАЮМОВ,**
**Оҳангарондаги «Стройпластмасс» комбинати реализация бўлими бошлиғи ўринбосари.**

# РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

ПАРТИЯНИНГ СЪЕЗДОЛДИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

## ҲАЁТ ТАЛАБИ

СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳасида мамлакатни озиқ-овқат маҳсулотлари ва қишлоқ хўжалик хом ашёси билан тўла таъминлаш асосий вазифа эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган.

Бизнинг ёғ-экстракция заводимиз Сурхондарё областидаги энг йирик саноат корхоналаридан биридир. Корхонамиз коллективи ўн биринчи беш йиллик планини ҳамда якунловчи йил топшириқларини муддатидан 40 кун олдин бажарди ва КПСС XXVII съездини ёруғ юз билан кутиб олиш юзасидан ўз зиммаларига конкрет социалистик мажбуриятлар олдилар.

Булар фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этиш, эскирган асбоб-ускуналарни иш жараёнини тўхтатмаган ҳолда янги, самарали машина ва ускуналар билан алмаштириш туфайли қўлга киритиляпти. Кейинги пайтда 200 дан ортиқ эскирган машиналар, асбоб-ускуналар ва деталлар алмаштирилди. Фақат 1985 йилда элликка яқин эски асбоб-ускуналар янгилари билан алмаштирилди.

Шу муносабат билан мен Асосий йўналишлар лойиҳасининг VI бобида «Агросаноат комплексини ривожлантириш ва озиқ-овқат Программасини амалга ошириш» деб номланган қисми 13-абзацидаги «Саноатнинг озиқ-овқат, гўшт ва сут тармоқларида ишлаб чиқариш ҳажмини 18-20 процент ўстириш таъминлансин», деган жумладаги «гўшт» сўзидан сўнг «ёғ» деган сўзни қўшишни таклиф қиламан. Чунки бизнинг ёғ-экстракция заводимиз ҳам агросаноат комплексига киради ва қишлоқ хўжалик хом ашёси бўлмиш чигитни қайта ишлаб, ёғ ажратиб беради.

Шунингдек, VI бобнинг учинчи абзацидаги «Ягона агросаноат комплексида қишлоқ хўжалигининг саноатдаги тегишли тармоқлар билан, қишлоқ хўжалик фанининг эса ишлаб чиқариш билан интеграциялашуви кучайтирилсин. Колхоз ва совхозларнинг қайта ишлаш саноати, савдо ва умумий овқатланиш корхоналари билан бевосита алоқалари активроқ ривожлантирилсин», деган жумлага «Қайта ишлаш саноати», деган сўзлардан кейин «пахта тозалаш заводлари» деган сўзлар қўшиб ёзилишини истардик. Чунки кўпчилик пахта тозалаш заводлари чигитни сортларга ва турларга ажратмай (кўтарасига ўлчаб) топширадилар. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнида жиддий қийинчиликлар туғдиряпти.

**Ғ. АҲМЕДОВ,**
**Денов ёғ-экстракция заводи биринчи экстракция цехининг бошлиғи.**

**В. И. Ленин номли Фарғона иссиқлик электр маркази — республика энергетика системасининг илғор корхоналаридан бири. Энергетиклар КПСС XXVII съезди, Ўзбекистон Компартиясининг XXI съезди шарафига социалистик мусобақани авж олдириб, кун сайин қувончли натижаларни қўлга киритмоқдалар.**

**Ютуқларнинг асосий омиллари шундан иборатки, корхонада янги техника ва прогрессив технология, қулай ва мукаммал ускуналар жорий этилди. Коллективлар ўртасида мустаҳкам интизом ва тартиб қарор топди. Кейинги икки йил ичида бу ерда турбина ускуналарининг ишида биронта ҳам узилиш ёки нуқсонга йўл қўйилмади.**

**Суратда: Фарғона иссиқлик электр маркази бошқарув пультида. Электр цехи смена бошлиғи К. Стружкин (чапда), смена бошлиғи дублёри Б. Сулаймонов ва станция смена бошлиғи Р. Маннопов.**

**Р. Шарипов ва Ю. Шаферов фотоси.**



## БИЗНИНГ АМАЛИЙ ЖАВОБИМИЗ

Мактабимиз педагоглари барча совет кишилари қатори КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси, таклиф этилаётган ўзгартишлар билан КПСС Устави, СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1986—1990 йилларга ҳамда 2000 йилгача бўлган даврга мўлжалланган Асосий йўналишлари лойиҳаларини қунт билан ўрганмоқдалар.

Биз партиямизнинг съездолди ҳужжатларини партия йиғилишида муҳокама этиб, уларни омма орасида кенг пропаганда қилиш юзасидан ҳар бир коммунист зиммасига конкрет вазифалар юкладик. Коммунист ўқитувчилардан Х. Шинтаев, С. Турғунбоев, К. Торбаев ҳамда Е. Молдабековлар «Социализм» совхози ишчилари ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар.

КПССнинг янги таҳрирдаги Программаси лойиҳасида «Партия педагог кадрлар тўғрисида, бутун маориф системасининг моддий базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тўғрисида тинимсиз ғамхўрлик қилади», деб ёзилган.

Биз педагоглар партиямизнинг бу ҳужжатини қизғин маъқуллаб, ёшларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш, уларни ҳар томонлама етук кишилар бўлиб етишишлари учун самарали меҳнат қилаверамиз ва жонажон партиямизнинг XXVII съездини янгидан янги ютуқлар билан кутиб оламиз.

**Т. МЎЛДАБЕКОВ,**
**Ворошилов районидаги М. Авезов номли 18-ўрта мактаб бошланғич партия ташкилотининг секретари.**

ХАЛҚ АМАЛИЙ САНЪАТИ

# КУЛОЛЛАР

Сулфакабутак қишлоғида мўъжазгина устахона жойлашган. Қишлоқдагилар бу ерни мўъжизахона деб аташади. Негаки, замин хом ашёси бу ердаги махсус қўлбола дастгоҳ ёрдамида, устанинг ақл-заковати, маҳорати билан турли сопол буюмларга айланади. «Облразнобитфото» бирлашмасининг Самарқанд районидаги ана шу кулолчилик цехида 41 йилдан буён уста кулол Холбой Шамсиев ишлайди. Холбой ака бу ноёб ва шарафли касбни Самарқанднинг машҳур устаси Умар Жўрақуловдан ўрганган. Уста Холбойнинг кулолчилик мактабида унинг ўғиллари Обид, Олим, Орифлар меҳнат тарбиясини олиб, шарафли касб эгаси бўлиб етишдилар. Бу ерда Рустам Қодиров, Шариф Эргашевлар ҳам кулолчиликнинг сир-асрорини мукаммал эгалладилар.

— Шогирдларим билан ҳар ойда 150—200 тагача турли сиғимга эга бўлган тандир, икки мингтагача гул туваклари, мингта лаган ясаб, савдога чиқаряпмиз, — дейди Холбой ака Шамсиев. — Албатта, лойдан буюм ясаш осон иш эмас. Бунинг учун бу касбни танлаган кишида аввало қизиқиш, истеъдод, интилиш, ишчанлик каби фазилатлар бўлиши зарур. Учта хумдонимиз бор. Сопол буюмлар ясаш, ранг бериш, гул чизиш ва меъёрига етказиб пиширишни биргалашиб бажарамиз.

Сопол идишлар ва тандир ясашда ҳар қандай тупроқ ҳам тўғри келавермайди. Махсус хом ашё даркор. Бундай хом ашё Самарқанднинг Каварзор қишлоғидан, гил эса Каттақўрғоннинг Ингичка конидан ташиб келтирилади.

Аввало, устанинг бетиним ҳаракати киши ҳавасини келтиради. У гоҳ тандир ясашга уринаётган ёш кулол Ваҳоб Ҳақбердиев, Шокир Турсунов, Муртазо Ғаниевларга иш ўргатса, гоҳ товоқ ва тувакларга гул чизаётган ёшларга маслаҳат беради, хумдон олови ҳароратини мўътадил сақлашни тушунтиради. Шогирдлар ишидан кўнгли хотиржам бўлган Холбой ака яна ишга киришиб кетади.

**Э. ҲОЖИҚУРБОНОВ,**
**штатсиз мухбир.**

ҲАРБИЙ ҚИСМДАН ТАШАККУРНОМА

## МАКТУБ МУЗЕЙГА ТОПШИРИЛДИ

**Баҳром ака почта қутисидан газета-журналларни олар экан, унинг нигоҳи нотаниш мактубга тушди:**

**— Бунга қаранг, онаси, — деди у турмуш ўртоғи Назира холага ҳайратланиб.**

**— Ишқилиб, болагинам омон бўлсин-да, дадаси. Очиб ўқингчи, нималар ёзилибди!**

**Баҳром ака конвертни авайлаб очиб, хатни ўқий бошлади.**

**«Ташаккурнома. Ҳурматли Назира Абдуллаевна ва Баҳром Сатторович! Бизнинг қисмимизда ўз хизматини ўтаётган ўғлингиз Фарҳоджонни яхши тарбиялаганингиз учун қисм қўмондонлиги ва сиёсий бўлим бошлиғи қалб ташаккурларини изҳор этадилар. Хизматнинг дастлабки кунлариданоқ ўғлингиз ўзини меҳнатсервар, интизомли ва ижрочи жангчи сифатида кўрсата билди.**

**Фарҳоджон сиёсий ва жанговар тайёргарлик аълочиси. У ўз қуролдошлари, командирлари ҳурматига сазовор бўлмоқда. Ватанимизнинг ишончли ҳимоячисини тарбиялаганингиз учун Сизларга чексиз миннатдорчилигимизни билдирамиз.**

**ҚИСМ КОМАНДИРИ».**

**—Айланай Фарҳоджонимдан! — деди Назира хола қувонч ёшларини артаркан. —Хушхабарлари учун командирларга, аъло хизматлари учун Фарҳоджонга «Раҳматнома»лар ёзинг.**

**Ҳа, Пайариқ район Челак шаҳрида нон комбинатининг нонвойлари—Сатторовлар оиласи истиқомат қилади. Бу мактуб Фарҳоджон Сатторов ўқиб битирган Ф. Йўлдош номли 26-ўрта мактабнинг юқори синф ўқувчилари ўртасида ўқиб берилди ва сақлаш учун мактабнинг «Шон-шуҳрат музейи»га топширилди.**

**С. МУСАЕВ,**
**Пайариқ районидаги Фозил Йўлдош номли 26-ўрта мактабнинг илмий мудири.**

ИККИ ХИЛ МАНЗАРА

# ЮТУҚЛАР СОЯСИДАГИ НУҚСОНЛАР

Муборак газни қайта ишлаш заводи республикамиздаги энг йирик саноат корхоналаридан бири. Заводда маҳсулот ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш, газдан олтингугурт ажратиб олиш, конденсат ишлаб чиқариш ва уларни қайта ишлаш ўнинчи беш йилликдагига қараганда уч-тўрт баравар ошди. Янги техника ва илғор технологияни ишлаб чиқаришга жорий этилиши натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш сифати бирмунча яхшиланди. Ўтган беш йиллик ичида заводнинг иккинчи ва учинчи ҳамда тўртинчи навбатининг бир блоки қурилиб, ишга туширилди. Ҳозир тўртинчи навбатнинг қолган блоклари қурилиши ҳам жадаллик билан давом эттирилмоқда.

Корхона коллективи республикамиздаги 18 нафар меҳнат илғорларининг «КПСС XXVII съездига — 27 зарбдор ўн кунлик» юзасидан бошлаган ватанпарварлик ташаббусига қўшилиб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Б. Шеров, Д. Шепетяк, В. Шуприна, З. Муниллин, А. Черков, Л. Шмаков, П. Марченко бошлиқ бригадаларнинг коллективлари шулар жумласидандир. Завод партия ташкилоти бу ташаббусларни қизғин қўллаб-қувватлаб, коллективларни янада ижодий меҳнат сари руҳлантирмоқда. Айниқса, 1-2-цехлар коллективлари шу йилнинг икки ойлик ишлаб чиқариш планларини 25 февралгача, яъни партиямизнинг XXVII съезди очиладиган кунда бажариш мажбуриятини олишган. Барча цехлар съезд очиладиган куни иқтисод қилиб қолинган маҳсулот ва хом ашёлар ҳисобига ишлашга қарор қилдилар.

Бригадалар, цехлар ва бўлинмалар ўртасида социалистик мусобақа кенг йўлга қўйилган. «Коммунистик меҳнат зарбдори», «Энг илғор бригада», «Энг яхши мутахассис», «Энг яхши ишчи» деган шарафли номни олиш учун кураш қизғин давом этмоқда. Ҳозиргача 292 киши ана шундай юксак ном эгаси бўлди.

Корхонада ихтирочилик ва рационализаторлик ҳаракати ҳам кенг қулоч ёзмоқда. Ҳозир бу ҳаракатга қўшилганлар сони 112 кишига етди. Элликдан ортиқ рационализаторлик таклифидан 28 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Шу таклифларнинг саккизтасидан 154 минг сўм иқтисодий фойда олинди. Контрол-ўлчов асбоблари ва автоматика цехининг бошлиғи И. Шумаков, 3-цех бошлиғи И. Шеров, 4-цех бошлиғининг ўринбосари В. Таводянц, 2-химия автомати синтез цехининг бошлиғи А. Пелькин ва бошқалар энг яхши рационализаторлар ҳисобланадилар.

Рационализаторлик соҳасида И. Шеров бошлиқ меҳнат коллективининг фаолияти, айниқса, ибратлидир. Бригада коллективи ўнта рационализаторлик таклифи киритди. Шундан еттитаси ишлаб чиқаришда қўлланилиб, давлатга 36 минг сўм соф фойда келтирди. Бригада коллективи Бутуниттифоқ рационализаторлик жамиятининг мақтов ёрлиғини ҳам олишга мушарраф бўлишди. И. Шеровга эса «Союзузбекгазпром» Бутуниттифоқ ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Энг яхши рационализатор» нишони берилди.

Корхона фаолиятидаги бундай ютуқларни қайд этиш яхши. Лекин ана шу ютуқлар соясида қолиб кетаётган камчиликлар ҳам йўқ эмас.

Заводда ишлаб чиқариш планларининг кўпгина кўрсаткичлари бажарилмай қолишига электр энергиянинг тез-тез узилиб қолиши, «Узоргэнергогаз» қурилиш участкасига қарашли қозонхоналарнинг бир меъёрда ишламаслиги, иссиқлик энергия марказининг керакли миқдорда буғ етказиб бера олмаганлиги ва бошқалар сабаб бўляпти.

План ва топшириқларнинг бажарилмаётганлигига яна бир сабаб — меҳнат интизомининг бўшаштириб юборилганлиги, ишчилар, инженер-техник ходимлар, иши устидан назоратнинг қаттиқ ўрнатилмаганлигидир.

Кадрлар билан ишлашга ҳам етарли эътибор берилмаяпти. Бош мутахассислар, инженер-техниклар ва ишчилар билан ишлашда, уларнинг активлигини оширишда айрим камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кадрлар қўнимсизлигининг сабабларидан бири иш жойларида ва ётоқхоналарда етарли шарт-шароитларнинг йўқлиги, маданий-маиший хизмат кўрсатиш талаблар даражасида ташкил этилмаганлигидадир.

«Союзузбекгазпром» раҳбарлари заводга раҳбарликни кучайтиришлари, кадрлар масаласидаги лоқайдликка зудлик билан барҳам беришлари, мавжуд камчиликларнинг туб моҳиятларини атрофлича ўрганиб чиқиб, бартараф этиш чора-тадбирларини кўрмоқлари лозим.

**Н. ТОҒАЕВ,**
**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.**

ЭЛГА ХИЗМАТ —ОЛИЙ ҲИММАТ

## МАНЗИЛЛАР ЯҚИН

Абдуҳамид Раҳмонов Навоий шаҳридаги 21-автокорхонанинг илғор такси ҳайдовчиларидан бири. У қирқ йилдан буён машина рулини бошқаради. Абдуҳамид ака меҳнат ветерани, элликдан зиёд шогирднинг мураббийси.

Унинг ташаббуси билан корхонада ремонтчилар бригадалари ташкил этилди. А. Раҳмонов ташаббускор, авангард. У 25 йилдирки, коммунист, деган улуғ номни шарафлаб келаётир.

— Шоферлик кишидан сергакликни, чаққонликни ҳамда эҳтиёткорликни талаб этади, — дейди А. Раҳмонов. Ҳақиқатан ҳам унинг сўзи билан иши бир.

Номоз Ҳакимов, Абдуқодир Абдуллаев, Баҳодир Раҳмонов, Саид Сафаров каби шогирдлари ҳам устози каби йўловчилар олқишига сазовор бўлаётир.

**Ё. УМАРОВ,**
**жамоатчи мухбир.**

ГАЗЕТХОН ТАНҚИД ҚИЛАДИ

## МАДАНИЯТ БОҒИГА ЭЪТИБОР ШУМИ?

Ғиждувон шаҳридаги маданият ва истироҳат боғининг ташкил топганига ўттиз йилдан ошди. Бу боғда меҳнаткашлар дам олиш кунлари маданий ҳордиқ чиқаришарди. Шахмат, шашка, биллиард ўйнардилар. Газета-журналларнинг янги сонларини ўқирдилар. Кейинги йилларда боғ бўм-бўш бўлиб қолди.

Район аҳолига маиший хизмат кўрсатиш комбинати истироҳат боғидаги гулзорларни текислаб, автомашиналар турадиган жойга айлантирди.

Ғиждувон шаҳар марказидаги маданият ва истироҳат боғида қачонгача автомашиналар «дам олишади?»

**Т. МАҚСУДОВ.**
**«Совет Ўзбекистони» штатсиз мухбири.**

ИЧКИЛИКБОЗЛИК — ИЛЛАТ

# КЕЛИШИБ БЎЛМАЙДИ

Маҳалламиз кишилари тўйларни спиртли ичимликларсиз ўтказишга аҳд қилган эдилар. Маҳалламиз территориясида 22-болалар яслиси, 3-болалар боғчаси, 65-болалар комбинати ва 52-ўрта мактаб бор. Партия ва ҳукуматимизнинг алкоголизм ва ичкиликбозликка қарши кураш тўғрисидаги қарорида болалар муассасалари ва мактаблар жойлашган территорияларда арақ ва бошқа спиртли ичимликлар билан савдо қилиш қатъиян ман этилган. Бироқ Сиёб район озиқ-овқат идорасига қарашли 21-магазинда арақ ва бошқа спиртли ичимликлар сотишга рухсат этилган. Райондa бундай магазинлар 27 та. Бизнинг фикримизча, бундай аҳвол билан келишиб бўлмайди.

**Х. САМИБОЕВ,**
**Сиёб районидаги Меҳнат маҳалла комитети раиси.**

